40-41 (590-591)
2007 йил 10 октябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Меҳнатига муносиб «Шуҳрат»и бор!
▶ Номи «Иноят»у, иши жиноят!

3 ▶ Яхши отанинг ёмон ўғли
▶ Бақироқнинг жазоси — жарчилик

4 ▶ Дилдан айтилган ўгит дилга жо бўлар!
▶ Олтойнинг паҳлавон ...қизи

Қорақалпоғистон Республикаси

Замонавий қулайлик

ШАҲАРЛАРНИ ТУТАШТИРГАН ЙЎЛ

Нукус шаҳрида йирик иншоот — ҳалқа йўл қурилиши поёнига етди. Умумий узунлиги 16 километрлик янги асфальт йўл Эски шаҳар билан Нукус шаҳри маркази ва шимолий-шарқидаги овулларни туташтирди.

Аҳоли узоғини яқин қилган мазкур объектда республикадаги энг катта — Қизкетган каналига темирбетон кўприк қурилди ва унинг атрофлари кўкаламзорлаштирилди.

Ҳалқа йўлни қисқа муддатда қуриб, фойдаланишга топширган "Қорқалпоқавтойўл" ҳиссадорлик жамияти жамоасидан аҳоли мамнун.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

Фармон ижроси йўлида

БЎШ ХОНАДОНЛАР — ЁШ ОИЛАЛАРГА

Ангрен шаҳри Карвон маҳалласи ҳудудидаги 58 та кўпқаватли уйларда 3500 нафардан зиёд фуқаро яшайди. Маҳаллага бир неча йилдан буён Шаҳринисо Йўлдошева раислик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллада бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳудуддаги кўпқаватли уйларнинг бўш хонадонлари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёрдами билан таъмирланиб, уй-жойга эҳтиёжи бор ёш оилаларга берилиши хусусида қарор қабул қилинган эди. Айни кунда маҳалла ҳудудида жойлашган кўпқаватли уйларнинг 23 таси таъмирдан чиқарилди. Худди шунингдек, болалар спорт майдончаси ҳам тўлиқ таъмирланди. Яқин кунларда маҳаллада истиқомат қилаётган 10 та ёш оилага уй-жой масаласида амалий ёрдам кўрсатилади.

МУХБИРИМИЗ

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 октябрь куни Оқсаройда «General Motors Europe» («GME») компанияси президенти Карл Петер Фостер ва «GM Daewoo Auto & Tehnology» («GMDAT») компанияси президенти Майкл Гримальдини қабул қилди.

Дунёдаги энг йирик автомобилсозлик корпорацияларидан бири бўлган «General Motors»нинг «GME» компанияси Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаларида фаолият кўрсатади. 2007 йилнинг биринчи ярмида у 1,1 миллиондан зиёд автомобиль сотишга муваффақ бўлди. «GMDAT» компанияси эса «Buick», «Cadillac», «Chevrolet», «Holden», «Opel», «Pontiac», «Suzuki» каби кўплаб русумдаги автомобиллар ишлаб чиқариб, 150 мамлакатга етказиб беради. «General Motors» компанияларининг маҳсулотлари орасида «Chevrolet» русумли автомобиллар энг харидоргир саналади.

«GME» ва «GMDAT» компаниялари раҳбарларининг юртимизга ташрифи асносида «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти негизида «Шевроле» автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича «GM Ўзбекистон» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу ҳужжат уч русумдаги «Chevrolet» – «Captiva», «Epica» ва «Tacuma» автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Президент Ислом Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон корхоналари билан «General Motors» компаниялари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани томонларнинг ҳамкорликка интилиши кучли эканлигидан далолатдир, деди.

Дарҳақиқат, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш юртимизда «General Motors» корпорациясининг автомобилсозликдаги илғор тажриба ва янги технологияларини ўзлаштириш имконини беради. «General Motors» эса Марказий Осиё ва Шарқий Европада ўзининг «Шевроле» русумли автомобиллари бозорини кенгайтиради.

«GME» раҳбари К.П.Фостер «GM Ўзбекистон»ни ташкил этиш жараёнида ҳар томонлама ёрдам кўрсатгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди. Янги қўшма корхона ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон корхоналари билан «GME» ва «GMDAT» компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

Мавсум

Қашқадарё вилояти

Жорий йилда қашқадарёлик деҳқонлар 164 минг гектар майдонда ғўза парваришлаб, айни кунгача қабул пунктларига 426 минг тоннадан зиёд пахта топширишга, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажаришга эришдилар. Пахтакорларнинг бу муваффақиятида Қарши тумани «Насаф» фермерлар уюшмасига қарашли «Қаюм-Нур» фермер хўжалиги деҳқонларининг ҳам улуши бор. Фермер хўжалиги 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 60 гектар майдонда пахта етиштирмоқда.

СУРАТДА:
— Бу йилги ҳосилимизнинг чўғи баланд, — дейди «Қаюм-Нур» фермер хўжалиги раиси Қаюм Фозилов (ўнгда). — Хирмонимиз кундан-кун юксалмоқда, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ, кайфиятимиз кўтаринки. Ҳар бир ишнинг унуми ғайрат билан меҳнатда, деб бекор айтишмайди-да ахир!..

Рихситилла НУРИНБОЕВ олган сурат.

Хоразм вилояти

Пахта ҳосилини ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишга маҳалла тизими ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшяпти.

Ҳамшаҳарлар кўмакка келди

Хусусан, бўлинмамиз ташаббуси билан шаҳримиздаги 35 та маҳалладан ҳар куни беш юз нафардан зиёд теримчи пахта далаларига чиқиб, фермерларнинг ёрдамчисига айланмоқда. Улар кунига ўртача 13-15 тонна миқдорида пахта теришяпти.

Теримчилар орасида айниқса, Машъал, Наврўз, Темирйўлчи ҳамда Оллоберган Дўстжонов ва Комилжон Отаниёзов номли маҳаллалар фуқаролари бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, теримчиларнинг меҳнат ҳақи ўз вақтида бериб бориляпти. Ундан ташқари, далага чиққан маҳалладошларга бошқа зарур шарт-шароитлар ҳам яратилган.

Қодир РАҲМОНОВ,
"Маҳалла" жамғармаси
Урганч шаҳар бўлинмаси раиси.

Жиззах вилояти

ОЛМАЗОРнинг ПАХТАЗОРлари

уларнинг ҳосилини йиғиб-териб олишда маҳаладошлар фермерларга кўмаклашмоқда

Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласидан ҳар куни 200-250 нафар фуқаро фермер хўжаликларига йиғим-терим ишларида ёрдам бериш учун пахта далаларига чиқмоқда. Ёрдамчи маҳалладошларга меҳнат ҳақининг ўз вақтида берилаётгани ва баъзи кундалик эҳтиёж молларининг бепул тарқатилаётгани терим суръатининг янада жадаллашишига сабаб бўляпти.

— Йил давомида минг машаққатлар билан етиштирган ҳосилимизни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олсак, марра бизники, — дейди "Мухлиса — Мақсад" фермер хўжалиги раҳбари Отабек Ҳошимов. — Бугун деҳқон учун ғалвирни сувдан кўтарадиган энг долзарб мавсум. Меҳнатимиз самарасини белгилайдиган юмушни маҳалла аҳлининг кўмагисиз уддалашимиз эса амри-маҳол.

Ўз навбатида олмазорлик фермерлар ҳам маҳалладаги турли байрам ва хайрия тадбирларини ўтказишда, кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашда ўзларининг ҳомийлик ёрдамларини аяшмайди. Яхшилик ерда қолмас, деганларидек, зарур паллада маҳалла аҳли ҳам уларни ёлғизлатиб қўйишмаяпти.

Айни кунларда вилоятнинг Зарбдор, Пахтакор, Мирзачўл ва Жиззах туманларида терим суръати юқори кўрсаткичга етган. Ёрдамчи-теримчилар меҳнатини ташкил этишда, уларга транспорт, маданий-маиший, савдо ва медицина хизматини кўрсатишда жойлардаги қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқолларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

"ЎЗЭКСПОМАРКАЗ": «АВТОМОТОРШОУ»га МАРҲАМАТ!

"Ўзэкспомарказ"да 9 октябрь куни "AutoMotorShow Uzbekistan 2007" тўртинчи Халқаро Ўзбекистон кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Toshshahartransxizmat" уюшмаси ва Россия Федерациясининг Автомобиль бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчилар миллий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз автомобилсозлик саноатида кенг кўламли ва самарали ислоҳотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда мамлакатимизда яратилган қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришда, соҳага замонавий технологияларни жалб этишда, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг автомобилсозлик саноати замонавий технологиялар билан жиҳозланган қатор корхоналарни ўз ичига олади. "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган "Ласетти", "Нексия", "Матиз" ва "Дамас" русумли автомобилларга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Марказий Осиёда ягона бўлган бу завод энг илғор технологик ускуналар билан жиҳозланган. Унинг маҳсулотлари қулайлиги, замонавий талабларга мослиги боис жуда харидоргир.

Ўзбекистон автомобилсозлик саноатидаги яна бир қувончли янгилик – "ЎзДЭУавто" негизида "General Motors" корпорацияси билан ҳамкорликда "GM Ўзбекистон" қўшма корхонаси ташкил этилганидир. Эндиликда Асакада дунёга машҳур "Шевроле" автомобиллари ҳам ишлаб чиқарилади.



Кўргазма павильонларидан мазкур қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган "Captiva", "Epica" ва "Tacuma" русумидаги енгил машиналар ҳам алоҳида жой олган.

2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий кўргазмада бу гал анча кўп – Ўзбекистон, Россия, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Польша, Литва, Туркия ва Қирғизистон каби мамлакатлардан қиррқа яқин фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этмоқда. Улар орасида "АвтоВАЗ", "УАЗ" (Россия), ""KIA Motors" (Жанубий Корея), "Mitsubishi Motors" (Япония), "Saipa Corporation" (Эрон) сингари йирик компаниялар бор.

— Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати изчил ривожланмоқда, унинг ушбу соҳадаги салоҳияти жуда юқори, — деди «Global Leasing» масъулияти чекланган жамияти савдо менежери Павел Аргентов. — Бизнинг фирма Японияниинг "Mitsubishi Motors" компанияси ишлаб чиқараётган автомобиллар савдоси билан шуғулланади. Кўргазмада иштирок этишдан асосий мақсадимиз ўзбекистонлик истеъмолчиларни компаниямизда ишлаб чиқарилаётган янги русумдаги машиналар билан таништиришдан иборатдир.

"AutoMotorShow Uzbekistan 2007" кўргазмаси автомобилсозлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда автомобиллар, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, двигателлар ва уларнинг бутловчи қисмлари, автокосметика ва автоаксессуарлар, шиналар ва резина-техника буюмлари ҳамда автомобилларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишга оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Спортчиларимиз муваффақияти

ОҚГУЛ кейинги босқичда

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилаётган Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) таснифидаги "Bangkok open" халқаро турнирида дунёнинг кучли ракетка усталари қаторида Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Оқгул Омонмуродова ҳам қатнашмоқда.

О.Омонмуродова Хотин-қизлар теннис уюшмасининг янги рейтинг жадвалида фаолиятидаги энг юқори ўрин — тўқсон иккинчи поғонадан жой олган бўлса-да, Бангкокда мусобақани саралаш босқичидан бошлашига тўғри келди.

Дастлабки босқичда моҳир теннисчимиз Хитой вакиласи Юань Менгга қарши кортга чиқди. Рақибасидан тажриба ва маҳорат бобида устунлигини исботлаган Оқгул беллашувни 7:5, 6:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида енгил атлетика бўйича 15 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Халқаро турнирнинг аксарият олтин медаллари ҳамюртларимизга насиб этди.

Енгил атлетикачиларимиз пешқадамлар сафида

Анастасия Свечникова қайд этган натижа мухлису мутахассисларнинг эътиборини жалб қилди. Яқинда Беларуснинг Брест шаҳрида ташкил этилган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Биринчи Евроосиё ўйинларида найза улоқтириш бўйича терма жамоамиз ҳисобига олтин медаль келтирган спортчимиз бу гал енгил атлетиканинг икки тури бўйича ўзини кўрсатди.

Найза улоқтиришда 51 метр, 31 сантиметр натижа қайд этган Анастасия Свечникова ядро улоқтириш бўйича ҳам энг яхши кўрсаткич билан биринчи ўринни эгаллаб, терма жамоамиз ҳисобига бир жуфт олтин медаль келтирди.

Баландликка сакраш баҳсларида шоҳсупанинг барча поғоналари ўзбекистонлик ёш спортчиларга насиб этди. Энг баланд сакраган Сергей Тимшин биринчи ўринни эгаллади, Александр Хардин ва Никита Ребенко кучли учликдан жой олди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Артём Кузин 400 метр масофага югуришда маррага биринчи келди. Анастасия Исланиду эса босқон улоқтиришда олтин медалга сазовор бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Эшитдингизми, Асакада дунёга машҳур машиналар ишлаб чиқарилармиш.

Mahalla
Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна бошланди.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Тошкент шаҳри

Анжуман

ОАВда КАДРЛАР МАСАЛАСИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди "Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда "Журналист кадрларнинг малакасини ошириш ва ёш журналистларни тайёрлаш: ютуқлар, муаммолар, истиқболлар" мавзусида семинар ўтказди.

Унда мамлакатимиз ОАВ соҳасида етук кадрлар тайёрлаш, ёш журналистларнинг малакасини ошириш, шу билан бирга уларни бозор иқтисодиёти талабларига мос кадрлар қилиб тайёрлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Семинарда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ахборот агентликлари ва босма нашрлар раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факултетларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

МУХБИРИМИЗ

Маҳаллада нима гап?

Жиззах вилояти

Ҳар кўчага боши бор

улар маҳалла фаолияти тараққиётига катта ҳисса қўшишмоқда

Жиззах шаҳридаги Сангзор маҳалласи шу номдаги дарёнинг чап соҳилида жойлашган.

— Яқинда маҳалламиз ташкил топганига 31 йил тўлди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анвар Муллажонов. — Бу шаҳар тарихига тақосланса, унчалик катта сана эмас, албатта. Аммо шу йиллар мобайнида улкан ишлар амалга оширилгани бор гап. Маҳалламиз қиёфаси, айниқса, истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада гўзаллашди. Бир-биридан кўркам иншоотлар барпо этилиб, йўллар тартибга келтирилди. Аҳоли тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан тўлиқ таъминланди. Маҳалладошларимизнинг оқар сув имкониятларидан оқилона фойдаланаётганликлари туфайли ҳовлиларимизда дов-дарахтлар, сабзавот ва полиз экинлари, гулу райҳонлар униб-ўсмоқда.

Маҳалла ҳудудида 16 та йирик корхона жойлашган бўлиб, уларнинг ҳомийлик ёрдамлари хайрли ишларга йўналтирилмоқда. 1670 ўқувчи ўрнига эга бўлган 1-сонли умумтаълим мактаби тўла реконструкция қилиниб, янги ўқув йилида фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ҳудуддаги 3 та мактабгача тарбия муассасаси ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

Кейинги йилларда Сангзорда аҳолига савдо, маданий-маиший, транспорт, алоқа ва коммуникация хизматларини кўрсатувчи қирқдан зиёд янги хусусий корхоналар ишга туширилди. Натижада 300 нафарга яқин фуқаро доимий иш билан таъминланди. Маҳалла аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этгани боис турли кўнгилочар, маданий-маърифий хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этиш, спорт майдончаларини қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳомийлик маблағи ҳисобидан қурилаётган янги футбол майдончасини эса жорий йил охирига қадар ишга тушириш режалаштирилган.

Маҳаллада хотин-қизларнинг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Сангзордаги бирор хотин-қиз диққат марказимиздан четда қолмайди. Уларнинг оилавий аҳволи, қандай иш билан машғуллигию нималарга қизиқишидан яхши хабардормиз, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Холида Қорабоева. — "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлинмаси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз яхши самара бермоқда. Маҳалламизда жиноят содир этган ёки қонунбузарликда айбланиб, рўйхатга олинган хотин-қизларнинг йўқлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Маҳалладаги мавжуд 16 та кўчанинг ҳар бирига жамоатчилик асосида фаолият юритадиган, катта ҳаётий тажрибага, аҳоли орасида ҳурмат-эътиборга эга кишилардан кўчабошилар сайланган. Улар фуқаролар йиғини ишини янада жонлантириш ва тинчлик-осойишталикни таъминлашда, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, тўй-маърака, маросимларни тартибли ва камхарж қилиб ўтказишда, қурилиш ва ободончилик ишларини назорат қилишда маҳалла оқсоқолига яқиндан кўмак бериб келмоқдалар.

Эришилган ютуқлар билан бирга маҳаллада ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Маҳалла гузарини тартибга келтириш, М.Ғозиҳонов, М.Йўлдошев ва Ш.Рашидов номли кўчаларни таъмирлаш, янги ётқизилган сув ўзанларини ишга тушириш, Ҳамид Олимжон номидаги Маданият ва истироҳат боғини реконструкция қилиш каби ишлар шулар жумласидандир. Айни пайтда сангзорликлар бу юмушларни аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан ҳал этиш чораларини кўришмоқда.

Абдували ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

«Умид гулшани» — шифо маскани

Қибрай туманида жойлашган «Умид гулшани» санаторийси бу ерда хизмат қилувчи малакали шифокорлар, ширинсўз тиббий хизматчилар саъй-ҳаракати билан том маънода одамларнинг дардига дармон бўладиган шифо масканга айланган. Бу ерда беморларга умумий йўналишларда тиббий хизмат кўрсатилади.

СУРАТДА: *I тоифали стоматолог шифокор Маҳбуба Ҳамдамова ва ҳамшира Севара Ярашева ҳар бир беморга алоҳида эътибор билан хизмат қилишади.*
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Муносиб тақдирланганлар

Бухоро вилояти

ОТА ўгитига амал қилган ОҚСОҚОЛ

Вобкент туманидаги Пирмаст қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қаюм Қозоқов бир гуруҳ юртдошларимиз қатори мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони асосида "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

Қаюм ака қишлоқ хўжалиги ҳамда педагогика институтларини муваффақиятли тамомлаб, аввал мактабда, кейин турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. Мана, йигирма йилдирки қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилиб келмоқда. Қаюм ака қаерда, қайси вазифада ишламасин, ота ўгитини доимо ёдда тутади. "Қандай иш билан шуғулланишингдан қатъи назар ҳалолликни ўзингга шиор қилиб ол. Унутмагинки, инсон ўз меҳнати ва қилган эзгу амаллари орқали ҳурмат топади, обрў-эътибор қозонади", дегувчи эди ота. Дарҳақиқат, ўғил умри давомида бу пурмаъно сўзларга амал қилиб, кам бўлмади.

Қаюм аканинг бир одати бор: бекор юрган кишини фойдали меҳнатга жалб этмагунича тиниб-тинчимайди. Эҳ-ҳе, у кўп йиллик фаолияти давомида қанча-қанча ёшларни, ишсизларни ишга жойлашга кўмаклашмади дейсиз?!

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, кўрсатиладиган маиший хизмат турларини кўпайтириш, қурилиш ва ободончилик, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларда ҳам оқсоқолнинг муносиб улуши бор. Истиқлол йилларида йиғин ҳудудида юзга яқин янги хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди. Айни пайтда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, велосипедларни таъмирлаш ва ўй-рўзғор буюмлари тайёрлаш билан шуғулланаётган "Пирмаст шинниси" хусусий корхонасида 12 киши доимий иш билан таъминланган. Ушбу корхонанинг "Пирмаст шинниси" деб номланиши ҳам бежиз эмас. Қадимдан пирмастликлар тайёрлаган шиннининг довруғи узоқ ўлкаларга таралган эди. Тадбиркор Раҳим Шехов ота-боболари анъанасини давом эттириб, шифобахш ва тотли шинни тайёрлашни йўлга қўйишни ният қилганлиги учун корхонага шундай ном берган. Айни сабабдан тез кунларда корхона томонидан тайёрланган Пирмаст шинниси савдо пештахталаридан ўрин олса, ажаб эмас.

"Меҳри-Мунир" фермер хўжалиги ҳудудидаги пишиқ ва хом ғишт ишлаб чиқариш заводида 17 нафар киши, тикиш-бичиш ва патдўзлик билан шуғулланувчи "Яраш Ваҳоб ўғли" кичик корхонасида 10 нафар хотин-қиз ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Йиғин ҳудудида 45 та фермер хўжалиги, 37 та юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари мавжуд. Маҳалладаги дурадгорлик, тандир ясаш ва темирчилик устахоналарида ҳар йили кўплаб ёшлар ҳунар ўрганишмоқда.

Кейинги икки-уч йил ичида йиғин ҳудудида янги мактаб, 2 та қишлоқ врачлик пункти ва спорт майдончаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бозоржой ва Анжирбоғ маҳаллаларидаги йўллар асфальтланди. Йиғин ўрамидаги 16 қишлоқнинг барчаси тоза ичимлик суви билан таъминланган.

— Инсон меҳнатининг юзага чиқишида ён-атрофдагиларнинг, яқинларининг ҳам ҳиссаси катта бўлади, — дейди Қаюм Қозоқов. — Шунинг учун менга берилган юксак мукофотни барча пирмастликлар меҳнатига берилган муносиб рағбат деб биламан.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

"Mahalla" хабарлари

Қорақалпоғистон Республикаси

КЕГЕЙЛИда ЯРМАРКА

Кегейли туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Туман меҳнат бўлими ва туман прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда 35 та ташкилот, корхона, муассасалар 102 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Шу куни ярмаркага келган 83 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Туманда бундай ярмаркаларни ўтказиш анъанага айланган. Натижада йил бошидан буён ҳозирга қадар 800 нафар йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди.

ЭКИН мавсуми ЯКУНЛАНДИ

Қорақалпоғистоннинг энг шимолий ҳудудида жойлашган Тахтакўпир туманида кузги буғдой экиш мавсуми якунланди.

Туманда фаолият юритаётган 183 та фермер хўжаликлари 4300 гектар ерга уруғ сепишди. Экиш ишларининг тез ва самарали олиб борилишида 5 та гуруҳга жамланган 16 та махсус бригада аъзолари жонбозлик кўрсатишди. 9 та "Магнум", 70 та ҳайдов тракторлари ва юзлаб махсус механизмлар эса уларнинг ишини анча енгиллаштирди.

Айни пайтда дастлабки экилган буғдой уруғларига комплекс ишлов берилмоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Воқелик ва тафсилот

Мавлуда ҚОСИМОВА

Пойтахтнинг Ҳамза туманида жойлашган Ҳамза номли кинотеатр бир пайтлар шу яқин-атрофдаги энг гавжум жойлардан бири эди. Чунки бу ерда кинофильмлар намойишидан ташқари турли маърифий-маданий тадбирлар, бадиий-ҳаваскорлик жамоалари концертлари ўтказиларди. Умуман олганда, ушбу кинотеатр биноси айни кунда ҳам одамлар билан гавжум. Лекин кинотеатрнинг бугунги фаолияти афсуски, маърифий-маданий йўналишда эмас. Келинг, газетхонларни чалғитмаслик учун ушбу вазиятнинг юзага келиш тарихини бир бошдан баён қилайлик.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ, КОСА ТАГИДА НИМКОСА БОР!

ёхуд "Благодать" Тошкент евангел-христиан хайрия жамиятининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига маҳалладошларнинг бефарқ бўлолмаслиги хусусида

Бундан ўн йилча муқаддам, юртимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни энди бошланган кезларда Иноғом Юнусов номли маҳалла ҳудудида жойлашган ушбу кинотеатр фаолияти бирмунча сустлашиб қолганди.

1992 йилда АҚШнинг Калифорния штати Лос-Анжелес шаҳридан келган Ли Чун Хван томонидан "Благодать" ("Иноят") номи остида пресвитериан евангел-христианлар маркази тузилади. 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунига асосан ушбу марказ "Благодать" Тошкент евангел-христиан хайрия жамияти сифатида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Адлия бошқармаси томонидан қайта рўйхатга олинади. Ана шу диний ташкилот юқорида номи қайд этилган кинотеатр биносини 1999 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Мулк қўмитаси Тошкент шаҳри бошқармасидан Тошкент муниципал мулк биржаси орқали 13 миллион 800 минг сўмга сотиб олади. (Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кинотеатр биноси сотувга қўйилгани ҳақида матбуот нашрларидан бирида қичкинагина эълон бир маротаба чоп этилган, холос. Шу сабабга кўра, кинотеатр биносини сотиб олиш эҳтимоли ва имконияти бўлган кўпгина юридик ва жисмоний шахслар бинонинг сотилаётганидан бехабар қолгани аниқ). 1999 йилнинг 31 май санасида "Благодать" диний хайрия ташкилотига умумий майдони 1300 квадрат метрдан иборат кинотеатр биносига нисбатан мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилади.

Бу ўринда "Хўш, бу диний ташкилотнинг фаолияти нимадан иборат ўзи?" деган савол туғилиши табиий, албатта. Тегишли ҳужжатларда ушбу диний ташкилотнинг фаолияти "...евангел-христиан динига мансуб кишиларнинг, шунингдек, беморлар, ногиронлар ва Мурувват уйларида яшаётган, қамоқхоналарда жазо муддатини ўтаётган кишиларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратиш, уларнинг истак-хоҳишларига кўра диний маросимларида қатнашиш, инсонларнинг маънавий уйғониши ва руҳий камол топишига ёрдам бериш, саховат ва хайрия тадбирларини амалга оширишдан иборат", деб кўрсатилган. Унинг тасарруфидаги кинотеатр биноси эса Ибодатлар уйи сифатида қайд этилган. Афсуски, амалда бу диний ташкилотнинг фаолияти юқоридаги каби тадбирларни ўтказишдангина иборат эмасга ўхшайди. Иноғом Юнусов номли маҳалла аҳлининг гувоҳлик беришича, ташкилот ходимлари ва аъзолари томонидан кўча-кўйларда фуқароларни, жумладан, мусулмон динига мансуб кишиларни евангел-христиан динига киришга очиқдан-очиқ тарғиб этиш ҳолати, яъни миссионерлик хатти-ҳаракатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Масалан, кўчада сизга ўрта ёшлардаги рус ёки корейс миллатига мансуб нотаниш бир аёл мулойимлик билан мурожаат қилиб, фарзандларингиз бор-йўқлиги, бор бўлса улар нечта экани ҳақида сўрайди. Сиз жавоб қайтаргач, нотаниш суҳбатдошингиз фарзандларингизни тарбиялашда муаммоларга дуч келаётган бўлсангиз, сизга ёрдам бериши мумкинлигини айтади. У бу ёрдам мутлақо беминнат эканини, унинг мақсади — дини, ирқи ва миллатидан қатъи назар дунёдаги барча инсонларни ҳамжиҳатликда, дўст-бародарликда яшашга даъват этиш эканини алоҳида ва қайта-қайта таъкидлайди. Оилада фарзандлар борки, уларнинг тарбияси билан боғлиқ катта-кичик муаммолар ҳамиша мавжуд. Шу боисдан сиз нотаниш аёл билан суҳбатингиз қизиб кетганини сезмай ҳам қоласиз. Гап орасида суҳбатдошингиз сизга евангел-христиан дини ҳақида, бу мазҳабга мансуб кишиларнинг бутун дунёда амалга ошираётган хайрли, эзгу тадбирлари ҳақида ҳикоя қилувчи адабиёт, журналларни тутқазади ва бу нашрларни албатта ўқиб чиқишни тавсия этади. Суҳбат сўнгида нотаниш аёл гўё шунчаки сўрагандек бўлиб, сизнинг телефон рақамингизни, иш жойингизни билиб олади. Ва албатта ўзининг телефон рақамини сизга бериб, борди-ю қўлингизга тутқазилган нашрларни ўқигач, сизда бирон савол туғиладиган бўлса ёки бирон маслаҳатга муҳтожлик сезсангиз, бехижолат қўнғироқ қилишингиз мумкинлигини уқтиради. Агар сизнинг ўрнингизда вояга етмаган ўсмир қиз ёки йигит бўлса, турган гапки, суҳбат мавзуси оилада, ўқув муассасасида ёшлар ва катталар муносабатларидаги зиддиятлар ҳақида бўлади. Дарвоқе, бу "тасодифий" суҳбат мавзуси сизнинг қиёфангиз, ўзингизни тутишингиздан нотаниш аёл олган қисқача маълумотга қараб турлича бўлиши мумкин. Атрофда одамлар гавжум бўлмаган жойда кечган бу суҳбатдан сўнг сиз "Дунёда яхши одам кўп-да", деган ўйда йўлингизга равона бўласиз ва йўл-йўлакай қўлингиздаги адабиётларни мутолаа қилишга киришасиз. Сиз миссионерга дуч келганингиз, у сизнинг диний эътиқодингизга тажовуз қилиш мақсадида илк қадамни қўйиб улгурганидан албатта бехабарсиз. Агар бирон сабаб билан ўша нотаниш аёл қолдирган телефон рақамига қўнғироқ қилсангиз, суҳбатингиз мавзуси янада кенгайиб, бафуржа суҳбатлашиш учун бирон манзилга таклиф этиласиз. Ўзингиз билан бирга фарзандларингизни ҳам ола келишингиз мумкинлигини илтифот ила билдирадилар. Бу ташрифингизда нафақат ўз муаммоларингизга ечим топишингиз, балки моддий манфаат кўришингиз мумкинлигига шаъма қилишади. Қизиқувчанлигингиз устун келиб ёки ўта ишонувчанлигингиз боис айтилган манзилга борсангиз, сизни дўстона кайфиятдаги илтифотли кишилар қабул қилишади. Ҳаётнинг пастбаландликлари, турмуш икир-чикирлари ва ...айни кунда турмушингизда мавжуд бўлган, ечими бирозгина маблағга тақалиб турган муаммолар ҳақида сиз билан сўзлашишади. Ахир бундай майда-чуйда муаммолардан қай биримиз холимиз? Хуллас, кичик муаммоингиз ҳал бўлиши учун сизга бироз маблағ таклиф этилади. Бу жараён шундай ёки бундан бироз бошқача тарзда давом этиб, охир-оқибатда сизни ўз диний эътиқодингиздан воз кечиб, бошқа, масалан, евангел-христиан динини қабул қилишга даъват этадилар. Эвазига қаршингизда янада катта имкониятлар эшиги очилиши ваъда қилинади. Афсуски, шунча "рўшнолик" кўрсатганларнинг бу даъватини қатъий рад этолмай қоладиган иродаси суст одамлар ҳам йўқ эмас орамизда!..

Юқорида баён этилган ҳолат бутун дунёда турли ташкилот ва муассасалар ниқоби остида фаолият юритаётган миссионерларнинг иш услуби. Алоҳида ҳолатларда бу жараён бир-биридан бироз фарқланиши мумкин, лекин уларнинг моҳияти бир: инсонларнинг эътиқодига дахл қилиш орқали турли дин вакиллари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириш, бундай вазиятдан манфаатдорлар сиёсатига хизмат қилиш. Бу ташкилотлар фаолияти кимлар томонидан молиялаштирилаётгани ҳам сир эмас. Дарвоқе, "Благодать" Тошкент евангел-христиан жамиятининг бош бошқармаси Американинг Лос-Анжелес шаҳрида жойлашган "Благодать" Миссионерлик Маркази ҳисобланади.

Яна Иноғом Юнусов номли маҳаллада кечаётган воқеа-ҳодисаларга қайтсак. Маҳалла йиғини раиси Ортиқ ака Абдувалиевнинг таъкидлашича, кинотеатр биносида ташкил этилган Ибодатлар уйига тавба-тазарру қилиш, ўзаро мулоқотда бўлиш учун келувчилар сони бегим кунлари 50-60 нафар бўлса, дам олиш кунлари бир неча юз кишидан ортади. Энг ачинарлиси, уларнинг орасида мусулмон динига эътиқод қилган кишилар, оилалар кам эмас. Уч-тўрт нафар фарзандини етаклаб келаётган ота-оналарни ҳам учратиш мумкин. Ибодатлар уйида келиб-кетувчилар учун тансиқ таомлар бепул тарқатилади, маблағ берилади.

— "Благодать"чиларнинг маҳаллада одамларни, айниқса, ёшлар ва аёлларни Ибодатлар уйига келишга, уларнинг "хайрия"ларидан бахраманд бўлишга даъват қилаётганига шоҳид фуқаролар сони кундан-кунга ортмоқда, — дея куйиниб сўзлайди йиғин раиси. — Ота-оналар, маҳалламиз аҳли бу ҳолатдан жуда хавотирда, ахир ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир қилади бундай ишлар. Шукрки, мамлакатимизда фуқароларнинг эътиқод эркинлиги қонуний белгилаб қўйилган, турли дин ва миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшаяпмиз. "Благодать"нинг фаолиятига қарши эмасмиз, ўз эътиқодига риоя қилишсин, хайрия тадбирлари ўтказишсин. Аммо уларнинг чорлов ва даъвати, христиан динини тарғиб қилувчи адабиётларни одамларга тарқатиши аввало, қонунларимизга зид, қолаверса, фуқароларимизнинг имон-эътиқодига таҳдид солмоқда. Ҳозирча маҳалламизнинг биронта фуқароси бу даъватлар таъсирига тушгани йўқ, лекин қўшни маҳаллаларнинг мусулмон фуқаролари бу таъсирдан сақланолмаган ҳолатларга гувоҳмиз.

— Бундай ҳолатларга асло бефарқ бўлолмаймиз, — дейди маҳалла фуқароси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мунаввар Носирова. — Масалан, менинг оилам аъзолари бундай чорловларга таъсирчан эмаслар, дейишим мумкин. Лекин фуқаро сифатида жамиятда, атрофимизда, айниқса, ўзимиз яшаётган маҳалла ҳудудида бундай ҳунук, салбий ҳолатга томошабин бўлиб туришга виждонимиз йўл қўймайди, бунга ҳаққимиз йўқ.

Маҳалла йиғини посбонлари сардори Абдулла Усмоновнинг айтишича, Ибодатлар уйида вояга етмаган болалар учун дарсхона кўринишида алоҳида хоналар борки, улар энг замонавий ўқув қуроллари ва техника анжомлари билан жиҳозланган. Маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мавлуда Бегматова эса маҳалла ҳудудида Ибодатлар уйи манзилини суриштириб юрган ёш йигит-қизлар, болали аёлларни бир неча бор кўргани ҳақида сўзлади. Уларнинг барчаси "Шу яқин-орада ночор кишиларга ёрдам берадиган қандайдир ташкилот бор экан, уни кўрсатиб юборинг" қабилида илтимос билан келишар экан. Албатта, дастлаб одамлар бу каби беминнат ғамхўрлик тагида ғаразли ният борлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Коса тагида нимкоса қабилида иш тутаётган "Благодать" мутасаддилари бу кишиларга қай тарзда ва қанча миқдорда саховат кўрсатилганини сир тутадилар.

Мамлакатимизда ҳар қандай миссионерлик фаолияти тақиқланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни 5-моддасида "...Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади" дея белгилаб қўйилган. Яна шу қонуннинг 3-моддасида "Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди", дейилган.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, кинотеатр биносидан мақсадли фойдаланишда ҳам ғайриқонуний ҳолатлар мавжуд, яъни тегишли қонуний меъёрларга биноан маърифий-маданий тадбирлар учун давлат томонидан қурилган иншоотлардан уларга эгалик қилувчи ўзгарган тақдирда ҳам фақат маърифий-маданий мақсадлар йўлида фойдаланилиши мумкин. Бу ўринда эса...

Яқинда маҳалла аҳлининг мурожаати асосида "Благодать" Ибодатлар уйида ваколатли ташкилотлар текширув ўтказди. Бу текширув натижалари ҳали хулосаланган бўлмаса-да, текширувда аён бўлган қуйидаги ҳолатларга тўхталишимиз жоиз: "Благодать" Ибодатлар уйида ва ушбу диний ташкилот фаолиятида тегишли қонунлар ҳамда ташкилот Низомига зид ҳолатлар аниқланди. Жумладан, тегишли тартибда ҳисобга олинмаган, корейс, рус ва ўзбек тилидаги прозелитик руҳдаги диний адабиётлар, аудио-видеокассеталардан ташқари, сифати ва қўлланилиш усули номаълум бўлган, АҚШда ишлаб чиқарилган дори воситаларининг катта миқдори топилди. Инсон онг-шуури, ақл-заковатини карахтловчи таъсир кўрсатиш орқали уни бошқаришни осонлаштирувчи бу дори воситаларидан бутун дунёда миссионерлик ҳаракатини амалга оширишда кенг қўлланилиши ҳеч кимга сир эмас. Давлат лицензияси ва рухсатномаси бўлмаган бу дори воситаларининг "Благодать" Ибодатлар уйида нима мақсадда сақланиб келинаётгани ҳам кундек равшан.

"Благодать" Ибодатлар уйи фаолиятига оид хулосалар ваколатли ташкилотлар томонидан ясалиши шубҳасиз, албатта.

Айни кунда Иноғом Юнусов номли маҳалла аҳли ҳудуддаги бундай ҳолатлардан жуда хавотирга тушган. Юзага келган вазият таҳлилидан эса бу хавотирлар ноўрин ва асоссиз эмаслиги аён бўлмоқда.

Тарбия тўғрисида мулоҳаза

Яхши инсонларни учратган чоғимизда "Ота тарбиясини олган экан" ёки "Яхши одамнинг фарзанди экан" деб қўйишимиз табиий. Ота тарбияси, унинг оиладаги ўрни фарзанднинг келажагини таъминлайдиган асосий омил, десак муболаға бўлмас. Хўш, ота тарбияси оилада қандай бўлиши керак деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Албатта, бу борада ҳар бир одамнинг ўз мезони бор. Яхшиси, ҳаётда рўй берган воқеалар замиридан бу саволга жавоб изласак, мулоҳаза юритсак, тўғри бўлади, деб ўйлайман.

ОТА ЯХШИЮ ЎҒИЛ ЁМОН! НЕГА?

... Кўтарма маҳалласида бир оила яшайди. Оила бошлиғи Бўтабой ака рўзғорига эътиборли, эл орасида обрўли кишилардан бири. Одамлар унинг юриш-туришию муомаласида бирон камчилик кўришмаган. Лекин Бўтабой аканинг уч ўғли ҳам жиноят кўчасига кириб, бир неча бор судланишган. Қамоқдан бирин-кетин келиб, яна бирин-кетин кетаётган фарзандлар тарбиясида отанинг ўрни, қўли йўқдай. Савол туғилади: ота яхши бўлса-ю, нега энди болалари ёмон чиқди? Бу саволга шунчаки жавоб бериш осон эмас. Бунинг учун оила муҳитини ўрганиш, билиш керак. Шу ўринда кўплаб маҳаллаларимиз оқсоқоллари, фаоллари фаолиятидаги битта камчиликка эътиборингизни қаратмоқчимиз. Масалан, биронта оилада можаро чиқса ёки хунук ҳолат юз берса, катта-кичикни йиғиб муҳокама қиламиз-у, тегишли хулоса чиқариш ва чора кўришни оиланинг ўзига ташлаб қўямиз. Тафсилот ва сабаблар оиланинг ўзида, унинг ҳар бир аъзосини жалб қилган ҳолда таҳлил қилинмайди, юзма-юз ўтириб, самимий суҳбатлашилмайди.

Бўтабой аканинг оиласида ҳам шундай ҳолат юз берган — болаларнинг ҳулқи маҳалладаги йиғилишларда бир неча бор муҳокама қилинган. Бўтабой акага "Ўзингиз яхши одамсиз-ку, болаларингиз нега бунақа чиқди?" деб дашном ҳам беришган. Лекин унинг хонадонида, оиласида бошқача гап эди. Гап шундаки, Бўтабой аканинг топиш-тутиши яхши, рўзғорга анча-мунча маблағ келади. У бу маблағнинг ҳисоботини олмайди, ҳаммасига хотин жавобгар. Ўғиллар онасидан эҳтиёжидан анча-мунча кўп пул олишни эплашади албатта. Хуллас, бундай "тўкинлик" болаларни ёмон йўлларга бошлайверади. Ота олиб келувчи, она тарқатувчи, болалар эса сарфлагувчи.

Рўзғорда бирон етишмовчилик бўлса, Бўтабой ака елиб-югуради, у ҳам болаларим камчилик кўрмай яшасин, деса керак-да. Фарзандлари жиноят қилиб қўйганда эса "Сенга нима етишмайди, аҳмоқ! Еб-ичишдан, кийим кийишдан камчилигинг йўқ, чўнтагингда пул, яна нима керак" деб куйиб кетади. Дардини ичига ютади, кўчага эса кулиб чиқади. Ўғилларининг еб-ичиш, кийим-кечакдан асло ками бўлмагани, лекин уларга отанинг ўринли қаттиққўллиги, тергаши, меҳнатга ундаши етишмаганини у ё англайди ёки йўқ...

Роватак маҳалласида Раҳим ака деган муаллим яшайди. Ҳозир пенсияда. Шу одамнинг бор-йўғи саккиз сотих чиқар-чиқмас ери бор. Раҳим ака қишлоқда яшашига қарамай, кичкинагина иссиқхона қуриб ёки очиқда эртаги сабзавотлар етиштириб, бозорга чиқаради. Энг муҳими, экинлар парваришида ҳар бир фарзанднинг улуши бор. Фарзандлар ўғилми-қизми, ўқишдан келадими, ишдан келадими, овқатланиб бўлгач, албатта томорқада ишлашади. Кечқурун эса ота болаларининг баҳолари билан қизиқади. Йиллар ўтиб болалар катта бўлишди, ҳаммаси ўқимишли, касбу корли. Энди эса улар уйли-жойли бўлиб, фарзандларига меҳнат қилишни ўргатишмоқда.

— Ҳар қанча яхши кунларни кўрган бўлсам, бари меҳнатим туфайли. Болаларимни ҳам меҳнатга меҳрли қилиб тарбиялашга интилдим. Бекорчиликнинг машкини олган болани меҳнатга қайтариш қийин бўлади. Фарзандларимга ҳамиша, ҳозир ҳам "Ўз меҳнатинг сингмаса, нонинг тотли бўлмайди" деб уқтираман, — дейди Раҳим ака.

Келинг, муҳтарам оталар, дўппини бошдан олиб, оиладаги муҳитни мулоҳаза қилайлик. Ота тарбияси ўз ўрнидамикан? Дарвоқе, шуни ҳам унутмайликки, ёшлар "Уни қил, буни бажар" қабилидаги талабу ундовларга эмас, меҳнатда шахсий ўрнак кўрсата оладиган катталарга, жумладан, оталарга кўпроқ эргашадилар.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Осойишталик йўлидаги тадбирлар

Тошкент вилояти

МУЛОҚОТДА МУАММОЛАР ОЙДИНЛАШАДИ

Маълумки, бугунги кунда юртимиздаги ҳар бир қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчилик, диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бир қаторда маҳалла посбонлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ангрен шаҳридаги Ғафур Ғулом номли маҳалла посбонлари сардори Райимберди Болтаев ҳам аҳоли осойишталиги учун елиб-югураётган фидойи инсонлардан бири. Уни нафақат маҳалладошлари, балки ҳамшаҳарлари ҳам яхши танишади. Сабаби, у 25 йил давомида шаҳар ички ишлар бўлимида ишлаган. Ўша пайтда орттирган тажрибаси посбонлик ишида, маҳаллада тартиб-интизом ўрнатишда қўл келмоқда.

— Ишда яхши натижага эришиш учун сидқидилдан меҳнат қилиш ва ишни режали ташкил этиш лозим, — дейди посбон. — Жумладан, мен посбонлик фаолиятимни маҳалладошларимнинг турмуш тарзи билан танишишдан бошлаганман ва уларнинг ҳар бири билан тез-тез мулоқотда бўлишга ҳаракат қиламан. Сабаби, мулоқот чоғида одамларнинг феъл-атвори, қизиқишларидан тортиб, уларнинг қувончу ташвишлари, муаммолари ҳам ойдинлашади. Натижада бундай мулоқотлардан керакли хулосалар чиқарилиб, зарур ҳолларда уларга ёрдам бериш, муаммо ва ташвишларига чора топишда кўмаклашиш имконияти юзага келади. Хусусан, яқинда маҳалламиздаги икки хонадонда эр-хотинлар ўртасида келишмовчилик юзага келиб, оқибатда улар ажрашиб кетишлари ҳам мумкин эди. Бироқ маҳалла мутасаддиларининг аралашуви билан бу можаро ижобий ҳал этилди.

Райимберди аканинг саъй-ҳаракатлари билан йиғинда сўнгги икки йил мобайнида жиноятчилик ва бошқа тартиббузарликлар содир этилгани йўқ. Бундан ташқари, посбон шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида давра суҳбатлари уюштириш, тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришда ташкилотчилик қиляпти. У ёшларни тўғри йўлга бошлашда кекса маҳалладошлари кўмаги ва маслаҳатига таянади. Шу боис, Ғафур Ғулом номли маҳалла бугунги кунда туман ҳудудидаги энг намунали, фаровон ва осойишта маҳаллалардан бирига айланган.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Фарғона вилояти

Фармон берган имкон

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида вилоятда қатор ишлар олиб борилмоқда. Аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали усули бўлган шартнома асосида касаначиликни ташкил этиш яхши йўлга қўйилаётир.

Шу кунга қадар шаҳар ва туманларда касаначиликни ривожлантириш орқали 12 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Бу ишга Фарғона механика, нефтни қайта ишлаш заводлари, Қўқон шаҳридаги "Улуғбек", "Шоҳи атлас" ҳиссадорлик жамиятлари, Ўзбекистон туманидаги "Ишонч" масъулияти чекланган жамияти каби йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари катта ҳисса қўшди.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, касаначилик шартномаси асосида маҳсулот ишлаб чиқариш иш берувчига ҳам, иш бажарувчига ҳам бирдек самара бераётир.

Тошлоқ туманида ҳам бу борада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. "Садда" хусусий фирмаси шартнома асосида 20 нафар касаначини ишга қабул қилди. Айни кунларда касаначилар ўз уйларида фирма буюртмасига кўра, турли миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаб бермоқда.

Шунингдек, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида ҳам миллий ҳунармандчилик асосида кўплаб касаначилар шартнома асосида меҳнат қилаётир.

СУРАТЛАРДА: *Тошлоқ тумани маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси касаначиси Марҳабо Ризақулова шогирди Раъно Назарова билан иш устида.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Қашқадарё вилояти

Илғор корхоналар фаолиятидан

Ҳамкорлик Тараққиётга йўл очди

Муборак газни қайта ишлаш заводи нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ихтисослашган энг қудратли корхоналардан саналади. Бундан 35 йил муқаддам яйдоқ чўл ўрнида барпо этилган завод мустақиллик йилларида тараққиётнинг янги-янги босқичларига кўтарилиб, тобора замонавийлашиб бораяпти.

Яқинда ушбу завод Россиянинг "Лукойл" компанияси билан ҳамкорлик шартномасини имзолади. Унга кўра, 2007-2008 йиллар давомида Хаузак ва Шоди конларида қазиб чиқариладиган 2 миллард 940 миллион кубометр газ қайта ишланади. Айни вақтда 14 ой муддат учун тузилган ушбу шартнома асосида жорий йилнинг ноябрь ойида 93 миллион кубометр, декабрь ойида эса 187 миллион кубометр газ қайта ишланади. Бундай катта ҳажмдаги ишларни бажариш учун етук мутахассислар ва қўшимча ишчи кучи талаб этилади. "Лукойл" компанияси бизнинг ёшларимизни олий ўқув юртларида ўқитишни зиммасига олган. Бундан, ташқари юзлаб ёшлар доимий иш ўринлари билан таъминланди.

"Лукойл" дунёга машҳур, нуфузли компаниядир. АҚШдаги Platts агентлигининг таснифи бўйича бу компания жаҳоннинг энг йирик энергетик компаниялари рўйхатида 11-ўринда, Европа, Яқин Шарқ ва Африкадаги нефть-газ компаниялари орасида эса 6-ўринда туради. Ана шундай нуфузли ташкилот билан ҳамкорлик қилиш заводнинг ҳар бир ишчиси, айниқса, муҳандис-техник ходимларидан катта масъулият талаб этиши аниқ. Буни яхши англаган завод маъмурияти ҳозирдаёқ барча керакли қурилмаларни шай қилиб қўйди. Шу мақсадда газни олтингугурт бирикмаларидан тозалашга ихтисослашган иккита қурилма қўшимча ускуналар билан жиҳозланди.

Корхонада эскириб бораётган қувватларни янгилаш, замонавийлари билан алмаштириш бўйича кенг қамровли лойиҳа ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ 1979-1981 йилларда фойдаланишга топширилган қурилмалар ўрнига ҳар бири йилига 2 миллард кубометр газни абсорбент-амин ёрдамида қайта ишлайдиган 3 та блок ва йиллик қуввати 4 миллард кубометр газни адсорбент-цеолит ёрдамида олтингуғуртли бирикмалардан тозалаш блоки барпо этилади.

— "Қашқадарёнефтегазсаноатқурилиш" акциядорлик жамияти бош пудратчилигида бунёд этилаётган юқори технологик қурилмалар мажмуи келаси йилда фойдаланишга топширилади, — дейди завод бош муҳандиси вазифасини бажарувчи Ҳасан Иноқов. — Заводнинг ҳар жиҳатдан янгиланиб бориши катта иқтисодий самаралар беради. Газни пропан ёрдамида совутиш мажмуаси фаолиятида шундай самара кузатилади. 2005 йил март ойида фойдаланишга топширилган бу мажмуада дастлабки йилда 14 минг тонна, 2006 йилда эса 25 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдаги кўрсаткичлар даражасига етиб улгурди.

Корхонада рўй берган ижобий ўзгаришлар ва ривожланиш омиллари ҳақида гапирганда, ишлаб чиқаришнинг бир қатор жабҳаларида халқаро ISO 9001 стандарти талабига жавоб берадиган сифат менежменти тизими жорий этилганлигини алоҳида таъкидламоқ зарур. Заводга халқаро сертификатлар топширилгандан кейин корхонанинг дунё миқёсидаги нуфузи ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги сезиларли даражада ошди. Эндиликда халқаро OHSAS 18001 стандартидаги касбий хавфсизлик ва соғломликни бошқариш ҳамда ISO 14001 стандартидаги экологик менежмент тизимларини жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. "SMS systems" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган бу тадбир завод фаолиятини халқаро талаблар даражасига кўтаради. Кўзда тутилган мақсад фақат корхона нуфузини оширишгина эмас, балки биринчи навбатда жамоа аъзоларининг касбий хавфсизлигини, соғлиғини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришнинг экологияга кўрсатаётган таъсирини минималлаштиришдан иборат. Бу борадаги жаҳон миқёсида тўпланган тажрибаларни ўрганиш мақсадида заводнинг бир қатор мутахассислари яқинда Германиянинг Дюсселдорф шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазма ва конгрессда иштирок этиб қайтишди. Зеро, ҳамиша ва ҳар жабҳада замон билан ҳамнафаслик тараққиёт йўлида янги имкониятлар очиши шубҳасиз.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ШОҲОНА МУЗҚАЙМОҚЛАР

Қадимий қўлёзмаларда ҳикоя қилиниши ча, Искандар Зулқарнайн учун муз ва қор қўшилган мева ҳамда мева шарбатлари махсус тайёрланган.

Муз ва қорни тоғлардан келтиришган. Қадимги Русияда блинга асал қўшиб музлатилган сут майдалаб байрам дастурхонларига тортилган.

РИЦАР ИХТИРОСИ

Қадимги Эронда муҳим хабарларни зарур жойларга етказиш учун шаҳарлар ўртасида, маълум оралиқ масофада жарчилар туришган ва бақириб-чақириб бир-бирларига хабар узатишган.

Масалан, улар анча олисда турган шеригини чақириш учун кафтни оғзига кўвача қилиб ҳайқирган. Варонкасимон кўвачани ўрта асрларда яшаган инглиз рицари Самуэль Морланд ўйлаб топган. Ҳозир спорт мусобақаларида, шунингдек, радиоприёмниклардаги шундай шаклдаги карнай овоз кучайтирувчи мослама ҳисобланади.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

САРФЛАНГАН МАБЛАҒНИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

Бир уйни ижарага олиб, унда беш йил давомида оилам билан яшадик. Шу вақт мобайнида уйга янги айвон қуриб, баъзи жойларини таъмирдан чиқардим. Яқинда ўзаро тузилган ижара шартномасининг муддати тугади. Мен уй эгасидан турар-жойни таъмирлашга сарфлаган маблағимни талаб қилиш ҳуқуқига эгаманми?

Жавоб:

НАЗАРДА ТУТИЛГАН ҲОЛЛАРГА КЎРА...

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 542-моддасига мувофиқ, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам, жавобгардир. Бундай камчиликлар аниқланганда ижарачи ўз хоҳишига кўра:

- ижарага берувчидан мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашини талаб қилишга;

- ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлари суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга... агар бу маблағ кўрилган зарарни қопламаса, у зарарнинг қопланмаган қисмини талаб қилишга ҳақли...

Шунингдек, ушбу кодекснинг 555-моддасига биноан, ...ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ўз маблағлари ҳисобидан ва ижарага берувчининг розилиги билан яхшилаган, бу яхшилашни мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома бекор бўлганидан кейин, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бу яхшилашлар қийматини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган ва ижарага берилган мол-мулкдан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашларнинг қиймати тўланмайди...

Йиғинда кимлар ишлайди?

Сурхондарё вилояти

ҚЎШТЕГИРМОНЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Маҳалла аҳли йиғин раиси бошчилигида амалга оширилаётган хайрли ишлардан мамнун

Кўп йиллар ўқитувчилик қилган, ёшларга бор билимини, қалб қўрини берган ангорлик Чори Норғўчов пенсияга чиққач ҳам эл-юрт хизматидан ўзини четга тортмади. Маҳалладошларининг ишончи, қўллаб-қувватлаши унга куч-қувват, ғайрат бағишлади. Қўштегирмонликлар Чори Норғўчовни маҳалла йиғинига раис этиб сайлаб, адашмаган экан. Оқсоқол одамларнинг ишончидан руҳланиб ва маҳалла фаоллари, кайвонилари кўмагига суяниб маҳаллада гузар барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Шу гузар битказилиб, ишга тушмагунича ўзи ҳам тинмади, бошқаларни ҳам тиндирмади. Ҳозирги кунда гузарда жойлашган сартарошхона, суратхона, этикдўзлик устахонаси, заргарлик, савдо-сотиқ дўконлари қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатмоқда.

Гузар битгач, оқсоқолнинг ўй-хаёлини кўп йилардан бери қишлоқ аҳолисини қийнаб келаётган муаммо ечими банд этди. Бу муаммо маҳаллада оқар сувнинг танқислиги бўлиб, ҳудуддаги фермер хўжаликлари, томорқасида экин экадиган, боғ парваришлайдиган ҳар бир хонадон учун қийинчилик туғдирарди. Муаммонинг чораси эса маҳаллага янги сув йўли — канал қазиб келтиришдан иборат эди. Чори ака маҳаллага сув келтириш учун идорама-идора юришдан эринмади. Натижада маҳаллада қазилажак каналнинг "йўли очилди", яъни туман ҳокимлигида махсус лойиҳа тарҳи ҳозирланиб, вилоят ҳокимлигига тақдим этилди.

Одатда, бундай катта харажат талаб қиладиган тадбирлар тақдири тезда ҳал бўлмайди. Лекин Чори Норғўчов канал муаммосини мутасаддиларга қайта-қайта эслатишдан чарчамади. Оқсоқолнинг ташаббуси вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди: маҳаллий бюджетдан канал қазиш ишлари учун 16 миллион сўм маблағ ажратилиб, қурилиш ишларига мутасадди ташкилотлар белгиланди.

Қўштегирмонда ҳашар уюштирилди. Роппа-роса ўн беш кун деганда канал битказилди. Бу қурилишда вилоят сув хўжалик бошқармаси тасарруфидаги "Аму Занг" ирригация қурилиш бошқармаси, Шеробод тумани ирригация ва мелиорация қурилиш ташкилоти ишчи-қурувчилари қатнашди. Мана, бир ярим йилдан буён Занг каналидан янги канал орқали Қўштегирмон маҳалласи ҳудудига оби ҳаёт оқмоқда. Ҳар гал канал хусусида сўз очилганда қўштегирмонликлар ўз оқсоқолларини алқаб-алқаб қўядилар.

Айни кунларда раис яна бир хайрли ишни бошлаган — Ўзбекистон—Франция қўшма корхонасида хориж андозаси асосида тайёрланган махсус сув ҳайдаш қурилмаси маҳалладаги 75 та хонадонга бепул ўрнатилади.

Ҳаким МУҲАММАДИЕВ

Диққат, кўрик-танлов!

"МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН" республика фото кўрик-танлови НИЗОМИ

"Маҳалладан бошланур Ватан" фото кўрик-танловининг асосий мақсади маҳалла ўзбек халқининг тарихан шаклланган миллий қадрияти эканлигини, мустақиллик йилларида маҳаллаларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг амалиёти ва унинг натижалари, оилалар, қўни-қўшнилар ўртасидаги муносабатлар, ёшлар тарбияси, маҳаллалар ривожланишининг ҳуқуқий асослари ва уларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини ҳаётга жорий қилиш, маҳаллалар фаолиятида хотин-қизларнинг иштироки, шунингдек, маҳалла фаолияти билан боғлиқ барча йўналишларни фотосуратлар орқали ифода этишга қаратилган.

Кўрик-танловни профессионал ва ҳаваскор фотосуратчилар, шунингдек, чет эл фотосуратчилари ҳам маҳалла мавзусига оид фотосуратлари билан иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танлов якуни бўйича кўргазма ташкил қилиниб, ғолиблар мукофотланади ҳамда рангли каталог нашр этилади.

I. Кўрик-танлов таъсисчилари ва ташкилотчилари

Кўрик-танлов таъсисчилари Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва Ўзбекистон Бадиий Академияси.

Кўрик-танловни Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамда "Mahalla" газетаси таҳририяти ташкил этади. Танловга тақдим этилган фото материаллар сараланиб, "Mahalla" газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

II. Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танловга 20x30 см.дан 30x40 см ўлчамдаги рангли ва оқ-қора фотосуратлар қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун ҳар бир муаллиф иловада келтирилган шакл бўйича ариза тўлдиради. Ҳар бир муаллиф 5 тагача фотосуратлари билан қатнашиши мумкин.

Кўрик-танловда қатнашиш истагини билдирган фотосуратчилар ўз фотографик ишлари ва аризаларини "Маҳалладан бошланур Ватан" кўрик-танловига" деган қайд билан қуйидаги манзиллардан бирига юборадилар:

- 100000 Тошкент шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси 6-уй. Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви. Телефон: 136-37-66.

- Тошкент шаҳри Й.Охунбобоев номли кўча, 4-уй. Тошкент Фотосуратлар уйи. Телефон:133-51-69.

Танловга қабул қилинган фотосуратлар эгаларига қайтарилмайди.

Мазкур фотосуратлар кейинчалик ҳам ташкилотчилар томонидан турли мавзули кўргазмаларда, муаллифлик ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда намойиш этилиши мумкин.

III. Кўрик-танловни ўтказиш жойи

Кўрик-танлов Тошкент Фотосуратлар уйида ўтказилади.

IV. Кўрик-танловни ўтказиш вақти

Кўрик-танловда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар 2007 йил 1 октябрдан 2007 йил 15 ноябрга қадар қабул қилинади.

Кўрик-танлов якунлари 2007 йил 1 декабрда эълон қилинади.

Кўргазмани ўтказиш ва тақдимот 2007 йил 1 декабрдан 31 декабргача давом этади.

V. Кўрик-танлов ҳайъати

Ҳайъат махсус ишчи орган бўлиб, унинг таркибига профессионал фотосуратчилар ва "Маҳалла" жамғармаси вакилларидан ташкил топган 5 нафар киши киради.

Ҳайъат аъзолари таркиби кўрик-танловни ўтказиш Ташкилий қўмитаси қарори билан тасдиқланади.

Кўрик-танловга тақдим этилган фотосуратлардан 150 та энг яхшиси ҳайъат аъзолари томонидан танлаб олинади ва улар танловнинг якуний кўргазмасида намойиш этилади.

VI. Мукофотлар

Кўрик-танловда энг юқори баҳога сазовор бўлган фотография иши Гранпри дипломи ва эсдалик совғаси билан тақдирланади.

Кўрик-танловда 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган фотосуратлар фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

"МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН" фото кўрик-танловида қатнашиш учун ариза

1. Фамилияси, исми ва шарифи _____
2. Туғилган йили ва санаси _____
3. Жинси (эркак, аёл)_____
4. Яшаш манзили ва маҳалла номи_____
5. Тел/ факс_____
6. Электрон почта_____
7. Иш жойи ва лавозими_____
8. Кўрик-танловга юборилган фотосуратлар сони ва номи:

а) _____
б) _____
в) _____
г) _____
д) _____

Одамийликдан сабоқ

ҲУШЁР БЎЛ...

Нафс балосига йўлиқма
ҳеч қачон, ҳушёр бўл,
У гул ҳаётинг боғини
этгай хазон, ҳушёр бўл.
Ўзгалар ҳаққин емоқдан,
таъма қилмоқдан тийил,
Ҳаром луқма айлагай
рангинг сомон, ҳушёр бўл.
Дўст уйидан туз татиб,
тупурса ким тузлиғига —
У дўст эмас, дўст қўйнига
кирган илон, ҳушёр бўл.
Эзгу иш қилмай бирор,
қул бўлса ким ўз нафсига,
Ўтгай бу оламдан тамом
беном-нишон, ҳушёр бўл.
Бор нақл: олим бўлиш осон,
қийиндир одам бўлмоқ,
Баднафс бўлса ҳар кишики,
кўргай зиён, ҳушёр бўл.
Исомиддин, шукр қил
Аллоҳ насиб этганига,
Нафсни жиловлаганнинг
имони омон, ҳушёр бўл.

Исомиддин ЖУМА

Буюк олимнинг оқила қизи

Робия Султонбегим номи тожу тахт учун ўғил отага тиғ кўтарган доғули замонда ўз ўғилларини бир-бирига тахт бўшатадиган даражада мард ва танти қилиб тарбиялаган малика сифатида тарихга муҳрланди

Замонамизнинг салоҳиятли олимларидан бири, филология фанлари доктори, профессор Пирмат Шермуҳамедов ўттиздан ортиқ илмий-бадиий асарлар муаллифидир. Яқинда олимнинг илмий ва ижодий изланишлари маҳсули бўлган яна бир китоб — "Мирзо Улуғбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси" Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриётида чоп этилди. Ушбу бадиа-қисса жанридаги асарда буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегимнинг ҳаёт йўли тасвири орқали Мовароуннаҳрда рўй берган маданий, тарихий-сиёсий воқеа-ҳодисалар акс эттирилган. Қуйида муштарийларимиз эътиборига ушбу асардан парчалар ҳавола этилади.

...Бир пайтлар Амир Темурнинг тилаги билан Самарқаднинг жанубида барпо қилинган Боғи Навнинг ён-атрофи баланд деворлар билан ўралган, унинг марказида қиммат-баҳо кошинлар билан безатилган салобатли қаср кўкка бўй чўзган...

Мана бир неча йилдирки, бу боғда Мирзо Улуғбекнинг бевалари, фарзандлари, набиралари яшашади.

Тонг отди. Бугун Боғи Нав тинч, осойишта. Гўё бу ерда аллақачон ҳаёт сўниб қолгандек. Ҳар кунги қушлар чуғури, итлар ҳуриши эшитилмайди. Доим учиб-қўниб юрадиган мусичалар ҳам қаёққадир ғойиб бўлган.

Оила бошлиғи, Робия Султонбегимнинг ўгай онаси Руқия Султонбегимнинг руҳи сўлғин, кайфи паст. Унинг имо-ишораси билан жория дастурхон ёзишга киришди.

Ички хонадан эгнига бахмал кўйлак, оёғига рангоранг ипакдан тикилган чиройли ковуш кийган Робия чиқиб келди.

Руқия Султонбегим қизининг кайфияти билан қизиқар экан, майин овоз билан деди:

— Қизим, куни кеча падарингизнинг шогирдларидан бири янги гап топиб келди. Гўё сизни Султон Абу Сайид Мирзо ўзбеклар хони Абдулхайрхонга тортиқ қилмоқчи эмиш. Бу гап чинми ёки шунчаки тўқилган мишмишларми... Буни ҳозирча ҳеч ким билмайди.

— Мен рози бўлмаймен, — жаҳл билан жавоб берди Робия. — Йўқ... Йўқ... Мен истамаймен... Падаримнинг душманига хотин бўлиш... Бу не кўргулик экан.

— Ул тақдирда Султон Абу Сайид Мирзо барчамизни зиндонбанд қиладур.

Шу пайт ташқарида отларнинг кишнаши, нотаниш одамларнинг гангур-гунгур овозлари эшитилди. Қаср олдида мулозимлар қуршовида шаҳар доруғаси Ҳикматбек кўринди.

— Малика Робия Султонбегимга айтунг, тезда кийинсун, биз билан Қорасаройга боради, уни Султон Абу Сайид Мирзо кутмоқдалар, — дағдаға қилди доруға.

... Саройнинг бўсағасидан ҳатлар экан, малика беихтиёр равишда падарини эслади. Бир пайтлар Мирзо Улуғбек мана шу йўлаклардан юрган, хоналарда расадхона юмушларини муҳокама қилган. Балки бу хоналарнинг бирида "Зижи жадиди Кўрагоний"нинг саҳифалари битилгандир.

Робия падари Мирзо Улуғбекнинг ҳажга жўнаб кетиш олдидаги маҳзун ҳолатини жуда яхши эслайди:

... Расадхона этагида жойлашган Боғи майдон чорбоғи. Бугун бу ерда Улуғбек Мирзонинг оила аъзолари, куёвлари, набиралари, шогирдлари тўпланишган. Падарининг юзлари сарғайиб, кўзлари киртайган, руҳи сўниқ.

— Эрта ўтиб, индин ҳажга жўнаб кетамен, — дея сўз бошлади синиқ овоз билан Мирзо Улуғбек. — Менга бир нарса тинчлик бермайдур. Не-не ташвишлар, азоб-уқубатлар билан йиққан китобларимнинг тақдири не бўлур... Икки-уч кун ичида расадхона кутубхонасидаги китобларни бирон-бир овлоқ жойга яширмоқ лозим, акс ҳолда...

— Тадорикини кўриб қўйганмен, устоз, — деди Али Қушчи.

— Абу Саид Мирзо расадхона атрофига хос соқчилар қўйган эрмиш.

— Ҳа, рост, — маъқуллади Али Қушчи, — кутубхонага янги мутасадди тайинланган.

Ўшанда Робия эшитиб, билдики, падарининг шогирдлари Али Қушчи билан Иброҳим ими-жимида аллақачон қимматбаҳо совғалар эвазига икки сандиқ китобни яширишга улгуришган. Лекин ҳали жуда кўп ноёб китоблар расадхонада...

Маликани бошлаб келаётган эшик оғаси ўймакор нақшли эшик олдида тўхтади. Бир пас тин олиб, ичкари кирди. Зум ўтмай яна қайтиб чиқди ва Робияга "кир" деган маънода ишора қилди.

— Маликам, — дея сўз бошлади хиёл кулимсираб Абу Саид Мирзо, — биз аркони давлат машварат қилиб, сизнинг ўзбеклар хони Абдулхайрхон никоҳига киришингизни маъқул топдик.

— Олампаноҳ... — Робиянинг айтмоқчи бўлган сўзлари томоғига тиқилиб қолди... — Ихтиёр сизда, лекин...

— Буюк Темурийлар салтанатини, сизнинг отангиз, султони шаҳид қўлидан ноҳақ тортиб олинган давлат тожу тахтини ёғийларга олдириб, вайрон ва ҳароб қилмаслик учун, ота-боболаримиз давлатини асраб қолишдай буюк вазифа сизнинг бир оғиз сўзингизга боғлиқ бўлиб қолди.

— Олампаноҳ... эшитганмен... Сизнинг карамингиз кенг.

— Очиқроқ айтинг, малика.

— Бу ишда бир оз фурсат берсангиз.

— Яна нима тилагингиз бор?

— Падари бузрукворим Мирзо Улуғбекнинг китобларидан бир қисмини ўзим билан олиб кетишга изн сўраймен.

Султон чапак чалиб, эшик оғани чақирди.

— Кутубхона мутасаддисига айтинг, малика танлаган китобларни бериб юборсун...

* * *

...Тўй Сиғноқда ўтадиган бўлди.

Бугун сафарнинг учинчи куни. Сиғноқ ҳали олис. Офтоб забтига олиб чор-атрофни аёвсиз қиздиради. Узун сочли, узун мўйловли мўғулсифат навкарлар секин одим ташлайдилар.

Хон ҳарамини қўриқлаб бораётган қушбурун, гирдиғум навкар шеригига дейди:

— Иброҳим, сувингдан қолдими, чанқовдан нақ ўлай, деяпман.

Иброҳим исмини эшитган Робия Султонбегим титраб кетди. "Иброҳим, Иброҳим... Мен сени ташлаб кетдим. Биламен, олдингда гуноҳим зўр, лекин не қилай, иложим йўқ..."

Бундан бир ой аввал падарининг шогирдларидан бири Иброҳим Боғи Навга келиб, Робияга "Зижи жадиди Кўрагоний" китобини тортиқ қилган.

— Бу китобни кўз қорачиғидек асранг, — деди Иброҳим, — "Зиж"ни устоз ўзи билан ҳажга олиб кетаётган экан. Уни хайрихоҳ одамлар Оби Суж ариғининг бўйида шаҳид бўлган устознинг ёнидан топиб олмишлар...

"... Иброҳим, сен менга ҳеч ким қилмаган яхшилик қилдинг.... Падаримнинг ҳажга олиб кетаётган китобини совға қилдинг. Ўлсам ўламанки, энди "Зиж"дан айрилмаймен..."

* * *

Мовароуннаҳр тупроғида туғилиб, Самарқанд, Ҳирот боғлари, саройларида тарбия топган Робия Султонбегим Дашти Қипчоқнинг бепоён саҳролари ва даштларига ҳам ўрганиб кетди. Икки фарзандли бўлди. Кўчкинчихон ва Суюнчихонлар онасининг бағрида тарбия олишди.

Мана бир ойдирки, малика фарзандларига тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сини ўқиб беради. Кўчкинчихон онасини саволга тутади:

— Ойи, нега ҳазрати бобом ҳақида битилган бу китоб форсийда?

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

— Сенми ёки уканг катта бўлганларингда "Зафарнома"ни туркий тилга таржима қилурсизлар...

* * *

Мана олти ойдирки, малика кўрпа-тўшак қилиб ётиб олган. Иштаҳаси йўқ, ҳарорати баланд, вақти-вақти билан боши айланади. Сал ўзига келса неваралари Султон Саид, Келди Муҳаммад, Наврўз Аҳмадлар билан суҳбат қуради. Бугун ё эрта Самарқанддан Кўчкинчихон, Тошкентдан Суюнчихонлар етиб келишади. Малика уларнинг йўлига кўзи илҳақ бўлиб ётибди.

Кечки пайт малика хонасига ўғиллари кириб келишди. Фарзандларини соғ-омон кўрган малика қувониб кетди. Бирор фурсатлик суҳбатдан сўнг заиф овоз билан деди:

— Менинг бу ёруғ дунё билан хайр-хўш қиладиган пайтим келди. Доим айтиб юрган бир гапимни яна такрор айтамен. Ҳамиша ёнингизда бобонгиз Амир Темурнинг "Тузуки Темурий" китоби бўлсин. Бобонгиз ҳар доим айтар экан: "Салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилади. Кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — дилдан чиққани. Тил учида айтилганини эшитардим. Дилдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим".

Энди сўнгги сўзимни айтай — мени Сиғноққа ҳам, Самарқандга ҳам олиб борманглар. Шу ерга, орифлар султони Хожа Аҳмад Яссавий марқади ёнига дафн қилинглар.

Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим 1484 йили Яссида вафот қилди ва шу ерда дафн этилди...

* * *

...Марв ёнида Шайбонийхон шаҳид бўлганидан кейин самарқандликлар шошилиб, Суюнчихонни тахтга ўтқазди. У ўз атрофига оилму фузалоларни йиғиб, адолат билан салтанатни бошқара бошлади.

Кунларнинг бирида Суюнчихон туш кўрди. Тушида онаси унга "Ўғлим, мен сенга ишонамен. Сен ориятли йигитсен. Эсингдами, мен сенга ҳамиша "Ота-боболарингдан қолган удумларни унутма", деб айтар эдим. Аканг Кўчкинчихонга Самарқанд тахтини бўшатиб бер. Мен шунда гўримда тинч ухлаймен".

Орадан бир кун ўтиб, Туркистон ҳокими бўлиб турган акаси Кўчкинчихонга чопар орқали мактуб йўллаб, ундан тезлик билан пойтахтга келишни илтимос қилди. Онаси Робия Султонбегимнинг хоҳиш-истаги туфайли Суюнчихон 1512 йили Самарқандда ўзи эгаллаб турган тахтни Кўчкинчихонга бўшатиб берди. Акаси уни Тошкент ҳокими қилиб, фармони олий берди. Узоқ йиллар Кўчкинчихон Самарқандда, Суюнчихон Тошкентда эл-улус, раиятни адолат билан бошқардилар. Кўчкинчихон турли хил урушлар туфайли ҳолдан тойган халқнинг аҳволини яхшилаш учун бир қатор ислоҳотлар ўтказди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Рашидиддиннинг "Жомеъ ут-таворих" ва Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарлари машҳур хаттот Муҳаммад Али томонидан она тилига ўгирилди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунларда сиз учун барча соҳада имкониятлар эшиги очилиши кутилмоқда. Ундан қандай фойдаланиш эса фақат ўзингизга боғлиқ.

СИҒИР(22.04-20.05)
Ушбу бурж вакиллари шу кунларда асабини эҳтиёт қилгани маъқул. Ҳамкорларингиз билан муносабатда эҳтиёткорроқ бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунлар бироз зиддиятли бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Янги бошланётган ишингизда эса шошқалоқликка йўл қўймасликка ҳаракат қилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ижодкорлар учун айни кунлар сермаҳсул бўлиши кутилмоқда. Пайшанба куни оилангиз даврасида нақадар бахтли эканингизни ҳис этасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Анчадан буён кўрмаган инсонингизни шу кунларда учратиб қолишингиз мумкин. Шанба куни соғлиғингизга эътибор беринг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Молиявий аҳволингизни яхшилаб олишга қулай имконият юзага келади. Уни фойдали нарсаларга сарфлаганингиз маъқул.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Шу кунларда узоқдаги қариндошларингиздан хушхабар эшитасиз. Бу хабар ҳаётингиздаги катта ўзгаришларга сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Айни кунларда қимматли қоғозлар олди-сотдиси ва кредит билан боғлиқ масалалар ижобий ҳал бўлиши кутилмоқда. Жумада янги танишлар орттиришингиз мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Рўзғор буюмларини харид қилишни бироз кейинроққа қолдиринг. Чунки шу кунларда ўз ечимини топиши лозим бўлган ундан-да муҳим масалалар юзага келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Яқин кунларда ҳаётингизда жуда кўп ҳурсандчиликлар бўлиши кутилмоқда. Бироқ шунга қарамай, ҳиссиётлар билан эмас, ақл билан иш қилишга ҳаракат қилинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда дангасалигингиз боис ишда бироз қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин. Дам олиш кунларида узоқ сафарга отланмаганингиз маъқул.

БАЛИК (19.02-20.03)
Мазкур бурж вакилларига шу кунларда янги иш юзасидан таклифлар тушиши кутилмоқда. Бу борада бирор қарорга келишда шошилмаган.

Утеряна аккредитационная карточка № 0167 Министерства Юстиции Республики Узбекистан выданная на имя Кокини Эрика — Главы представительства "COFUTIS". Нашедшего карточку просим вернуть за вознаграждение. Контактные телефоны: 246-94-37, 246-87-10.

Укқанга балли!

ШАРОБХЎР Ё МАСТ БЎЛАР МАХМУР

ёхуд хумор беморликнинг бир навидир

Спиртли ичкиликлар таркибида этил спирти борлиги учун уни истеъмол қилган киши маълум муддат сархуш бўлади. Буни тез-тез такрорлаш эса кишининг алкогол маҳсулотларига берилишига сабаб бўлади.

Даврлар ўтиши билан спиртли ичимликларнинг хилма-хил турлари яратилди. Булар илгаридан маълум бўлган май, шароб, бода ҳамда эндиликда кенг тарқалган спирт, ароқ, коньяк, бальзам, вино, пиво ва бошқа шунга ўхшаш ичимлик турларидан иборат бўлиб, уларнинг деярли барчаси инсон умрининг заволи.

Шуни афсус билан айтиш мумкинки, ёшлар ва аёллар ўртасида ҳам ичкиликка ружу қўйиш ҳоллари учрамоқда. Баъзида узоқни ўйламасдан, баъзида эса қизиқиш, ҳавас устунлик қилиб, бу йўлга қадам қўяётган кимсалар охир-оқибат турли оғир хасталикларнинг келиб чиқишига, носоғлом фарзандларнинг дунёга келишига сабабчи бўлишаётгани ачинарли ҳолат.

Боз устига, спиртли ичимликлар инсоннинг маънан ва ақлан ривожланишига ҳам катта зарар етказади. Уларни ҳаддан ортиқ ва мунтазам истеъмол қилган киши на оиласи ва на жамият учун фойда келтирмаслиги ҳаммамизга маълум. Шундай пайтда кўпни кўрган қарияларимиз, ота-оналар ва маҳалла-кўй ёшларимиз тақдирига бефарқ бўлмаса, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этса, бу иллатга маълум миқдорда чек қўйишга эришиш мумкин.

Ҳакимларнинг ёзишича, ичкиликка ружу қўйган кишида ҳар турли иллатлар пайдо бўлар экан. Кайковус таъбири билан айтганда: "Шаробхўрликнинг ҳосили икки нарсадур: ё беморлик ёки девоналик. Негаки, шаробхўр ё маст бўлади ёки махмур. Агар маст бўлса, девоналар жумласидан, агар махмур бўлса, беморлар жумласидан бўлади, чунки хумор беморликнинг бир навидир. Демак, сархушликка мойил бўлишнинг не зарурати борки, киши ё девона бўлади ёки бемор..."

Омонулло АБДУСАЛОМОВ

Утерянную лицензию № 1080 выданную на имя Ким Хенг Жан на право трудовой деятельности с 12.04.2007 г. по 12.10.2007 г. считать недействительным.

Утерянный диплом В № 048695 выданный 4 июля 2001 года Ташкентским Государственным Педагогическим университетом им. Низами на имя Хуснидиновой Эльмиры Рафаэльевны считать недействительным.

Тошкент вилояти

Бекобод тумани Қўштамғали маҳалласида Акбарали Тошбоевни кўпчилик яхши танийди. У 1 гектар ер майдонини ижарага олиб, Илҳомжон Тошбоев номли паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил қилган эди. Айни пайтда хўжаликда 300 та курка, ғоз, товуқ ҳамда 15 та товус ва 21 та бедана парвариш қилинмоқда.

СУРАТДА: *фермер А.Тошбоев набираси билан.*

Султонбой Деҳқонов олган сурат.

Ғаройиботлар олами

ГИГАНТ ЧАҚАЛОҚ

7 килограмм 750 грамм вазнда дунёга келди

Россиянинг Олтой ўлкасига қарашли Алейск шаҳрида дунёга келган ушбу қизалоқ Халинлар оиласидаги 11-фарзанд бўлиб, оиладаги ҳар бир фарзанд аввалгисига нисбатан оғирроқ туғилган. Мисол учун, Халинларнинг тўнғич фарзанди Людмила 4,1 килограмм вазнда дунёга келган бўлса, кенжа фарзанд Надеждага келиб бу кўрсаткич 7,750 килограммга етган.

Шифокорларнинг берган маълумотларига кўра, чақалоқнинг туғилиши жарроҳлик йўли билан амалга оширилиб, онаси ўзини яхши ҳис қилгани боис уйига жўнатиб юборилган. Чақалоқ эса тиббий кўрикдан ўтказиш учун Барнаул шаҳридаги болалар шифохонасига ётқизилган.

Болалар шифокори Галина Кагированинг фикрича, тиббий текширувларнинг дастлабки натижаси шуни кўрсатмоқдаки, чақалоқ буткул соғлом эмас ва у жиддий тиббий муолажа қилиниши зарур. Гўдаклар патологияси бўлими бошлиғи Римма Назарова эса Надежданинг бундай оғир вазнда туғилишини унинг она қорнида нотўғри ривожланганлиги оқибати дея таъкидламоқда. Бироқ шифокорлар аниқ ташхисни чақалоқ тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилгандан сўнг қўйишлари мумкин.

Албатта, 7,750 килограммлик Н.Халинани гигант бола дейиш мумкин. Аммо дунёда ундан ҳам оғир вазнли чақалоқлар дунёга келгани қайд этилган. Хусусан, 1955 йилда Италияда оғирлиги 10 кило 200 грамм бўлган чақалоқ туғилган бўлиб, унинг номи Гиннеснинг рекордлар китобидан дунёдаги энг оғир чақалоқ сифатида жой олган, иккинчи поғонани эса 7,5 килограммлик бразилиялик чақалоқ эгаллаган эди. Яқинда Иорданияда ҳам худди шундай вазнли чақалоқ туғилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Диққат, танлов!

"МЕН ГАПИРАЙ, СЕН ҚУЛОҚ СОЛ, БОЛАМ"

*Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга маънавий ва руҳий жиҳатдан мадад бериш мақсадида "Яшаш муҳити" Тошкент Ахборот маркази, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Жаҳон Банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда "ASR" кредит уюшмаси кўмагида **"Мен гапирай, сен қулоқ сол, болам"** танловини эълон қилади.*

Танловда Тошкент шаҳри ҳудудида истиқомат қилаётган бой ҳаётий тажрибага эга, кўпни кўрган фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

Ўз ҳаёт йўлингизда турли синовларни енгиб ўтишда катта тажрибага эгамисиз? Умр дафтарингизда муҳрланиб қолган ҳаётий сабоқлар, тажрибаларингиз ҳақида сўзланг. Зеро сизнинг фаровон ҳаёт сари босган тўғри қадамларингиз ёшлар учун ибратдир. Ёш авлоднинг ўз йўлини тўғри танлай билиши, ўзлигини англаб етиши, турмушидаги қийинчиликларга муносиб қаршилик кўрсата олиши ва уларда эртанги кунга ишонч ўйғотишда сизнинг бу борадаги ҳаётий тажрибаларингиз, тавсияларингиз қўл келиши мумкин.

Танловнинг асосий мавзулари

Танлов иштирокчилари тақдим этадиган материаллар қуйидаги мавзулардан бирини ёки бир нечтасини қамраб олиши лозим:

- **фарзанд тарбиясидаги турли хил ибратомуз усуллар;**
- **гиёҳванд моддалар ёки спиртли ичимликларга ружу қўйганларни оқилона ҳаёт кечиришга ўргатиш;**
- **хонадонда ногирон ёки аҳволи оғир беморларни парваришлаш ва улар билан муносабат;**
- **оилада ишсиз фуқароларнинг истиқомат қилиши;**
- **эр-хотин ёки қариндошлар ўртасида келишмовчиликларнинг юзага келиши;**
- **ота-болалар ёхуд эр-хотин ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш;**
- **қарилик нафақасига чиққанда;**
- **яқинларнинг ҳаётдан кўз юмиши;**
- **яшаш муҳитида ноқулай вазиятлар рўй бериши;**
- **яшаш манзилининг ўзгариши (масалан, меҳнат, экология ва бошқа сабаблар туфайли);**
- **бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда.**

Танловга тақдим этиладиган материаллар ўзбек ёки рус тилида 4-5 қоғоз ҳажмда қабул қилинади. Шунингдек, материалга танлов иштирокчиларининг шахсига оид қисқача маълумотнома (ёши, оилавий келиб чиқиши, касби, яшаш манзили ва телефон рақамлари) ҳам илова қилиниши шарт.

Тақдим этилаётган ишлар 2007 йилнинг 1 ноябрига қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган ишлар қайтариб берилмайди ва муҳокама қилинмайди.

Танлов ғолибларини мукофотлаш

Танловга тақдим этилган энг яхши ишлар "Мен гапирай, сен қулоқ сол, болам" тўпламига жамланади. Танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар ва рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланади.

Материалларни **"Мен гапирай, сен қулоқ сол, болам" танловига"** деб кўрсатган ҳолда интернет орқали **d.tursunova@mail.ru** электрон почтаси ёки қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин: Тошкент шаҳри 700100, Абдулла Авлоний кўчаси, 20а уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, 27-хона. Мўлжал: Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети бекати.

Телефонлар: (+998-71) 280-55-51, 253-86-68, 139-88-20, 139-88-45.

Ташкилий қўмита

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна-берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 10 октябрь
40-41 (590-591)

11088 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-920 Топширилди — 22.15
1 2 3 4 5